

**СҮХ КОНУС ЁЙИЛМАСИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ АГРОКИМЁВИЙ  
ХОССАЛАРИ**

Валижон Юнусович Исақов  
биология фанлари доктори, профессор

Азamat Назиралиевич Хошимов  
фалсафа доктори, катта ўқитувчи  
Қўқон давлат педагогика институти

Турсунова Диёра Акбарали қизи  
2- курс талабаси, КДПИ

**Аннотация**

Сўх конус ёйилмасининг бош тош-шағалли қисми инсон томонидан сунъий яратилган кольматажланган тупроқлар билан қопланган. Ёйилманинг, саз тартиботли сизот сувлари сатҳининг жойлашиш чуқурлиги ва минерализацияси билан фарқ қиласиган ўрта ва қуий қисмларида ўтлоқи-ботқоқ-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқлар ривожланган. Тупроқларнинг, гидроморфизм жараёнларининг натижалари яққол ифодаланган морфо-генетикавий кесими кўп жинсли қатламлардан таркиб топган. Ҳаракатчан фосфор ва калий микдорлари бўйича тупроқлар ўртача ва кучсиз таъминланган гуруҳларга киради.

**Калит сўзлар:** конус ёйилма, кольматаж, ўтлоқи-ботқоқ-воҳа ва ўтлоқи-воҳа тупроқлар, механик таркиб, гумус, фосфор, калий.

**Кириш**

Сўх дарёконус ёйилмаси геоморфологик-литологик жиҳатдан мукаммал симметрик тузилиши, ёрқин ифодаланган гидрогеологик минтақавийлиги, ўсимлик қоплами ва тупроқларнинг вертикал минтақалар тизимида ўзига хос жойлашуви билан тоғ дарёлари конус ёйилмаларининг классик намунаси ҳисобланади.

Ёйилма худудида сугориладиган дехқончилик тарихи катта даврни ўз ичига олган. Қадимдан сугориладиган ерлар майдони катта, унумдорлиги яхши, ўрта даражада маданийлашган. Конус ёйилманинг шимолий қуий қисмларида ва уларга туташган Сирдарёning аллювиал текисликларида қадимдан сугориладиган тупроқлар майдони нисбатан кам, янгидан сугориладиган тупроқлар эса кўп. Янги ўзлаштирилган тупроқларнинг унумдорлиги паст, улар кесмасида тузлар кўпроқ, агроирригацион қатлам тўла шаклланган эмас. Уларда табиий хоссалар устунлик қиласи.

Хозирги вақтда Сўх конус ёйилмасининг бош қисмida кольматажланган тупроқлар, ўрта қисмida ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-ботқоқ-воҳа саз тупроқлар, қуий қисмida ювилган ва турли даражада шўрланган ўтлоқи-воҳа ва ўтлоқи-ботқоқ-воҳа саз тупроқлар ҳамда иккиламчи шўрхоклар шаклланган. Тупроқ хосса ва хусусиятларини, уларнинг инсон

омили таъсирида юз берган ўзгаришларини ўрганиш худуд ерларидан оқилона ва самарали фойдаланиш имкониятини беради.

Адабиётлар таҳлили. XX аср бошларида Фарғона водийсининг табииятини ва табиий ресурсларини ўрганиш хўжалик мақсадларига йўналтирилганлиги билан тавсифли. Бу даврда тупроқ-географик ва генетикавий тадқиқотлар С.С. Неуструев, Н.А. Димо, Г.И. Доленко, А.З. Зайчиков, А.П. Ливанов, С.Н. Пустовойт ва М.И. Паршаков, М.А. Панков, М.М. Крилов ва б. томонидан амалга оширилган. Бу ишларда Фарғона водийсида тупроқ пайдо бўлишининг табиий шароитларига муфассал тавсиф берилган, тупроқлар таснифи ишлаб чиқилган, тупроқларнинг географияси кўрсатилган, тупроқларнинг кимёвий ва физикавий хоссалари, мелиоратив хусусиятлари ўрганилган. Қишлоқ хўжалик экинлари учун яроқлилик даражаси, мелиорацияси ва самарали фойдаланиш йўллари аниqlangan [8, 10, 11].

80 ва 90 йилларда Фарғона водийсининг, жумладан Сўх конус ёйилмаси ва унга туташ ҳудудларнинг табиий географик шароитларини, халқ хўжалигига фойдаланишнинг потенциал имкониятларини ўрганишда давом этилди: А. Мақсудов [9], В.Ю. Исақов [3, 4, 5, 6], F. Юлдашев [15, 16], А. Исманов [7] ва бошқалар.

Охиригү ўн йилларда Фарғона водийси тупроқларини тадқиқ этиш қучайди. Арзиқли тупроқларнинг экологик-мелиоратив ўзгаришларини ўрганишга В.Ю. Исақов, У.Б. Мирзаевларнинг [4] ва қумли даҳаларни ўзлаштириш ва фойдаланишга оид ишларга С. Зокирова [2] ва М.А. Юсупованинг [17], қўриқ ерларни ўзлаштириш, мелиорацияси ва унумдорлиги масалаларига К.М. Мирзажонов раҳбарлигидаги тадқиқотлар [10], инсон омили таъсирида тупроқ хосса ва хусусиятларининг эволюцион ўзгаришлари муаммоларига тупроқшунослик ва агрокимё ИТИ илмий ходимларининг [1, 18] тадқиқотлари бағишиланган. ФарДУ профессори қ.х.ф.д. F. Юлдашев раҳбарлигига М. Исағалиев [16], А. Турдалиев [13, 14], Г. Сотоволдиева [12] ва б. томонидан биогеокимёвий йўналишда кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилган.

### **Тадқиқот обьекти ва усуллари**

Сўх конуссимон ёйилмаси ва унда шаклланган ўтлоқи-воҳа ва сугориладиган ўтлоқи тупроқлар тадқиқот обьекти ҳисобланади. Ёйилманинг геоморфологик-литологик тузилиши, тупроқларнинг географик тарқалиши, келиб чиқиши, хоссалари, экологик ҳолати ва муҳофазаси масалаларини ўрганиш тадқиқотнинг асосий вазифалари бўлди.

Тупроқларни ўрганишнинг асосига В.В. Докучаевнинг морфогенетик усули ва тупроқ ҳосил бўлиши тўғрисидаги таълимотлари қўйилди. Тупроқ намуналарини аналитик таҳлил қилиш ва натижаларнинг интерпретацияси тупроқшуносликда умум қабул қилинган усуллар билан амалга оширилди.

Мухокама. Колъматажланган тупроқлар колъматаж қатламининг қалинлиги ва суғориш даврининг узоқлигига кўра қадимдан суғориладиган, янгидан сугориладиган ва янги ўзлаштирилган тупроқларга таснифланади.

Қадимдан сугориладиган колъматажланган тупроқлар сув чиқаришга нисбатан қулай бўлган жойларда, қадимий қишлоқлар атрофида (масалан Сарикўрон, Ўқчи ва х.к.) шаклланган. Колъматаж қатлам қилинлиги 1-1,5 м га teng. Механик таркибига кўра

қумлоқ ва енгил қумоқли, кам ҳолларда ўрта қумоқли. Сўх дарё сувларининг келтирилмалари таркибида қум фракциялари мутлоқ устуворлик қиласди. Шу сабабдан конус ёйилма тупроқлари учун енгил механик таркиб тавсифли.

Физик соз миқдори қумлоқ тупроқларда 10-20 %, енгил қумоқларда 22-30 % ва ўрта қумоқларда 30-40 % га тенг. Механик таркибида йирик чанг ва майда қум зарралари устуворлик қиласди.

Эскидан суғориладиган кольматажланган тупроқларнинг ҳайдалма қатламида гумус миқдори 1,51-1,76%, умумий азот миқдори 0,020 %, фосфор 0,29 %, калий 1,60 % ва ҳаракатчан азот 10,5-16,5 мг/кг, фосфор 13,0-22,0 мг/кг, калий 132-180 мг/кг. Янгидан суғориладиганларда – гумус 1,18-1,66%, ялпи азот 0,019%, фосфор 0,29% ва калий 2,00%, ҳаракатчан азот 10,0 мг/кг, фосфор 6,5-10,0 мг/кг ва калий 88-160 мг/кг, янги ўзлаштирилганларда – гумус 1,0-1,68%, ҳаракатчан азот 13,0 мг/кг, фосфор 37 мг/кг, калий 108,5 мг/кг га тенг.

1- жадвал Сўх дарё конус ёйилмаси худудида ривожланаётган тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари

Кесма т.р.	Чуқур-лиги, см	Гумус, %	Азот, %	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O			
				Ялпи миқдори, мг/кг	Ҳаракатчан шакллари, %					
<b>Конус ёйилманинг юқори шағалли қисми</b>										
<b>Кольматажланган тупроқлар</b>										
1	0-22	0,950	0,080	0,19	1,50	7,5	97			
	22-38	0,625	0,078	0,15	1,67	5,7	100			
	38-52	0,314	0,013	0,10	1,35	5,0	85			
	4	0-27	1,190	0,110	0,15	2,25	18,1			
		27-41	0,870	0,091	0,13	2,15	9,15			
		41-62	0,575	0,060	0,08	1,90	7,0			
<b>Конус ёйилманинг ўрта қисми</b>										
<b>Ўтлоқи-воҳа саз тупроқлар</b>										
7	0-25	1,69	0,108	0,20	1,15	11	195			
	25-50	0,77	0,051	0,15	0,87	8	115			
	50-78	1,15	0,072	0,25	0,68	8	90			
	9	0-30	1,65	0,072	0,18	1,50	14			
		30-55	1,05	0,060	0,16	1,45	12			
		55-85	0,90	0,061	0,15	1,30	10			
<b>Конус ёйилманинг куйи қисми</b>										
<b>Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқлар</b>										
12	0-28	1,37	0,107	0,23	1,47	14	325			
	28-44	0,98	0,064	0,24	1,40	12	290			
	44-69	0,45	0,037	0,21	1,24	12	275			
<b>Ўтлоқи-воҳа саз тупроқлар</b>										
15	0-33	1,15	0,117	0,30	1,40	13	310			
	33-58	0,90	0,056	0,27	1,22	12	295			
	58-80	0,65	0,049	0,25	1,15	12	250			

Конус ёйилманинг, сизот сувларининг тиркалиш ва сизиб чиқиши гидрогеологик минтақаси бўлган ўрта қисмини, асосан, ўтлоқи-ботқоқ-воҳа ва ўтлоқи-воҳа саз тупроқлар банд қиласди. Ҳудуднинг булоқлар кенг тарқалган энг ботиқ жойларида ботқоқ-воҳа саз тупроқлар шаклланган.

Ўтлоқи-ботқоқ-воҳа саз тупроқлар кўкимтири-ҳаворанг жилвали тўқ сур ва сур тусга эга, донадор-увоқча структурали, бўшоқ қовушмали. 40-50-60 см дан қуида кўкимтири жилвали оқиш тусли мергеллашган, зич глейли қатлам бошланади. Кўпинча, бу қатлам остида кўмилган торф ёки чириндили қатлам ётади.

Ўтлоқи-воҳа тупроқларининг 60-90 см қалинликдаги агроирригацион қатламиресмада аниқ ажралиб туради. Тузлар ва гипс кристаллари аниқ ифодаланган. Гипс кристалларининг ўлчамлари порошоксимон даражадан 5 мм гача. Кесманинг юқори қатламларида порошоксимон гипс тўпланмалари учрайди, қуи қисмлари томон кристаллар йириклишади. Барча ёриқлар ва тешиклар гипс билан тўлган. Майда карбонатли конкрециялар бор. Гипс кристалларининг тўпланиши қатламлар зичлигини оширади ва тупроқнинг мелиоратив ҳолатини мураккаблаштиради.

Ўтлоқи-воҳа тупроқлар сизот сувларининг мўътадил таъсири натижасида шаклланганлиги учун агроирригацион қатлам остидаги қатламлар, яъни тупроқ кесимининг қуи қисми рангларининг ола-байроқлиги билан - зангори-яшил, ҳаворанг, қорамтири туслар ҳамда қизғиши-қўнғир, сарғиш занг доғлар қўплиги билан ажралиб туради. Агроирригацион қатлам тагида гидроморф тупроқлар учун хос бўлган мергеллашган қатлам ётади. Тупроқ кесмалари одатда карбонатларнинг қўплиги билан тавсифланади, унинг миқдори юқоридан пастга ортиб боради.

Ботқоқ-ўтлоқи-воҳа тупроқлар ортиқча намли шароитда, сизот сувларининг қучли таъсири остида пайдо бўлади. Бу тупроқлар кесимида анаэроб жараёнлар устуворлик қиласи, аммо вақти-вақти билан у аэроп жараён билан алмашиниб туради. Кесимининг қуи қисмида ботқоқланиш, юқори қисмида эса ўтлоқилик белгилари кучлилик қиласи. Бу жараёнлар устидан воҳа тупроқлари пайдо бўлиш жараёни натижалари ётказилган. Тупроқларнинг механик таркиби жуда кенг доирада тебранади. Тадқиқот ҳудуди доирасида ажратилган тупроқ айирмалари механик таркибига кўра асосан ўрта ва енгил қумоқли. Қумлоқли ва оғир қумоқли тупроқлар нисбатан кичик майдонларда тарқалган. Қумли тупроқлар ва қумлар ҳам анча кенг тарқалган. Ажратилган тупроқ айирмаларининг барчаси учун кўп қатламлилик хос. Тупроқ-замин кесмасининг литологик тузилишида қум, қумлоқ, енгил, ўрта ва оғир қумоқлар ҳамда созлар қатнашади.

Сўх конус ёйилмасида ўтлоқи-воҳа саз тупроқлар устувор тарқалишга эга. Ҳудуднинг ботикроқ элементларида шаклланган ўтлоқи-ботқоқ-воҳа тупроқлар майдони чекланган. Геоморфология жихатидан фарқ қилувчи ҳудудларнинг тупроқлари унумдорлик кўрсаткичлари билан ҳам ажралиб туради. Ёйилмасининг ўрта қисмидаги ўтлоқи-воҳа тупроқлар кесмасида чиринди миқдори 2,206-0,704%, умумий азот миқдори 0,135-0,055% оралиғида ўзгаради. Ёйилма қуи қисми тупроқларининг ҳайдалма қатламида гумус миқдори 1,350-1,553%, ҳайдов ости қатламларида 0,822-0,960% га teng. Азотнинг умумий миқдори юқоридагиларга мос ҳолда 0,107-0,118% ва 0,063-0,074% ни ташкил қиласи.

Фосфорнинг ялпи миқдори конус ёйилма тупроқларининг кесмасида 0,063-0,118 %га, қадимий аллювиал текислик тупроқларида 0,073-0,112 % га ва қайир усти иккинчи супа тупроқларида 0,088-0,109 %га teng. Устки қатламлар кўпроқ, ҳайдов ости қатламлари камроқ фосфорга эга. Тупроқлар калийнинг ялпи миқдори бўйича жиддий фарқ

қилмайдилар, унинг қиймати ҳайдалма қатламларда 1,37-1,60 % ва ҳайдов ости қатламларида 1,05-1,39 % оралиғида ўзгаради.

## **Хулоса**

Сўх конус ёйилмасининг юқори қисмида шаклланган кольматажланган тупроқларнинг агроэкологик ҳолати қониқарли. Қалин кольматаж қатламли тупроқларнинг унумдорлиги кам қалинлилариға нисбатан юқори. Озуқа элементларининг миқдорига кўра таъминланмаган ва кучсиз таъминланган.

Конус ёйилманинг ўрта ва қуий қисмларидаги тупроқларнинг морфогенетик кесмаларида гидроморфизм жараёнларининг натижалари яққол ифодаланган.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдурахмонов Н.Ю, Қаландаров Н.Н, Мамажонова Ў.Х. Фарғона вилояти суғориладиган тупроқлари унумдорлиги// ЎзМУ хабарлари, – Тошкент, 2013. № 4. – Б. 55-57.
2. Закирова С. Марказий Фарғона қумликларининг агрофизикаий, агрокимёвий хоссалари, генезиси ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг илмий асослари. К/х.ф.д. дисс. автореферати. –Тошкент, 2017
3. Исаков В.Ю. Гипсоносные, арзыковые и шоховые почвы Ферганской долины, условия их формирования и пути рационального использования: Автореф. дисс. д.б.н. – Ташкент: НИИПА, 1993. -38 б.
4. Исаков В.Ю., Мирзаев У.Б. Марказий Фарғонада шаклланган арзиқли тупроқларнинг хоссалари ва уларнинг инсон омили таъсирида ўзгариши. Монография. – Тошкент, 2009. – 212 б.
5. Исаков В.Ю. Фарғона водийси шўрланган тупроқлари галогенезиси ва геокимёсининг регионал хусусиятлари. //География ва ҳаёт: изланишлар, ечимлар, татбиқлар. Фарғона водийси олий ўқув юртлариаро илмий-услубий мақолалар тўплами. 2012. – Б 70-79.
6. Исаков В.Ю., Хошимов А.Н. Сўх дарёси конус ёйилмасининг гидрогеологик-экологик ҳолати ва унинг ўзгаришдари. география ва глобализация: назария ва амалиёт. – Андижон, 2018.- Б. 396.
7. Исманов А.Ж. So‘x daryosini yowilmasi sug‘oriladigan kolmatajli tuproqlarning shakllanishi, rivojlanishi va unumdarligi// Ўзбекистон биология журнали. 2013, № 6. – Б. 49-51.
8. Мақсудов А. Почвы Центральной Ферганы. -Ташкент: “Фан”, 1979. -120 б.
9. Мақсудов А.Изменение почвенно-экологических условий Ферганской долины под антропогенным воздействием. -Ташкент: “Фан”, 1990.-101с.
10. Мирзажанов К.М. Лик Ферганы: прежний и настоящий. Монография. Т.: “YEOFANPOLIGRAF” МЧЖ, 2014. -248 б.
11. Панков М.А. Почвы Ферганской области. –Ташкент:«Издательство АН Узбекской ССР», 1957, 2 том. –С. 7-160

12. Сотволдиева Г.Т. Фарғона вилояти кольматажланган тупроқларининг биогеокимёвий хусусиятлари ва улардан фойдаланиш. Фалсафа доктори (PhD) дисс.автореферати. – Тошкент, 2019. -20 б.
13. Турдалиев А.Т. Суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларда тузлар генезиси ва миграцияси // Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг маъruzалари. – Тошкент, 2014. №4. – Б. 88-90.
14. Турдалиев А.Т. Марказий Фарғонанинг арзик-шоҳли тупроқларида педогеокимёвий баръерлар // Фарғона водийси: табиати-аҳолиси-хўжалиги янги тадқиқотларда. Илм. Амал. анжуман матер. – Фарғона, 2015. –Б. 94-961
15. Юлдашев Г., Турдалиев А. Геохимические особенности циклических элементов в агроландшафтах пустынь // Аграрная наука. Всероссийский научный аграрный журнал. 2014. – С 15-17.
16. Юлдашев Г., Исагалиев М. Геохимия почв қонусов выноса. –Т.: “Фан”, 2012. -160 б.
17. Юсупова М.А. Марказий Фарғонадаги қумли даҳаларнинг агроэкомелиоратив ҳолати ва унинг антропоген таъсиридаги ўзгариши. Фалсафа доктори дисс.автореферати. - Фарғона, 2020. -46 б
18. Қўзиев Р.Ц., Абдурахмонов Н.Ю., Исманов А.Ж., Ахмедов А.У. Фарғона водийси суғориладиган тупроқларининг хоссалари, экологик-мелиоратив ҳолати ва маҳсулдорлиги. Монография. –Тошкент: “Navro‘z”, 2017. -328 б.
19. Тожибоева, М. А., А. М. Жаббаров, and М. С. Мелиев. "Ферганская долина и ее пустыни." Ученный XXI века 1.1 (2020): 3-4.
20. Saidakbarovich, Meliyev Muzaffar, Kokan SPI Teacher, and Kokan SPI Student. "GEOGRAPHICAL CHARACTERISTICS OF FUNERALS." Innovative Technologica: Methodical Research Journal 3.12 (2022): 72-78.
21. Mamanovych, Abdunazarov Lutfillo, Meliyev Muzaffar Saidakbarovich, and Erqulov Turdimorod Abduraxmon o'g'li. "Village Economy And Environmental Protection." Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL) 3.12 (2022): 267-270.
22. Saidakbarovich, Meliyev Muzaffar, et al. "PEDAGOGICAL CHARACTERISTICS OF EDUCATION OF ENVIRONMENTAL LITERACY OF SCHOOL STUDENTS." ResearchJet Journal of Analysis and Inventions 3.12 (2022): 134-139.
23. Saidakbarovich, Meliyev Muzaffar. "Use and Protection of Water Resources." International Journal on Orange Technologies 3.3 (2021): 212-213.
24. Saidakbarovich, Meliyev Muzaffar. "Ecological Features of Biogas Production." International Journal on Orange Technologies 3.3 (2021): 214-216.
25. Nararov, H. Y., and D. X. Yuldasheva. "Ecological Features of Biogas Production." Ilm Sarchashmalari 22.4 (2022): 124-126.
26. Saidakbarovich, Meliyev Muzaffar, and Jobborov Azamjon Mashrabovich. "FORMATION OF ECOLOGICAL CULTURE IN THE TEACHING OF FLORA AND FAUNA IN GEOGRAPHY CLASSES." Academicia Globe: Inderscience Research 3.12 (2022): 115-118.

27. Alisherovich, Akbarov. "G'olibjon, and Meliev Muzaffar Saydakbarovich."." Ecological Condition and Development Problems of Recreation Zones of Fergana Region." Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3 (2022): 803-807.
28. Alisherovich, Akbarov Golibjon. "Ecological Condition and Development Problems of Recreation Zones of Fergana Region." International Journal on Orange Technologies 3.5 (2021): 171-173.